

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

ШАРОПОВ ЎТКИРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**КЕНГ ЗОНАЛИ LiF, SiO₂, ZnO КРИСТАЛЛАРИДА СИРТ
НУҚСОНЛАРИ**

01.04.04. - Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации Contents of the
of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шаропов Ўткиржон Баходирович Кенг зонали LiF, SiO ₂ , ZnO кристалларида сирт нуқсонлари	3
Шаропов Уткиржон Баходирович Поверхностные дефекты в широкозонных кристаллах LiF, SiO ₂ , ZnO	28
Sharopov Utkirjon Bahodirovich Surface defects in wide band gap crystals LiF, SiO ₂ , ZnO	54
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	58

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

ШАРОПОВ ЎТКИРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**КЕНГ ЗОНАЛИ LiF, SiO₂, ZnO КРИСТАЛЛАРИДА СИРТ
НУҚСОНЛАРИ**

01.04.04. - Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/FM25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида ва Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://iplt.uz/>) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Эгамбердиев Баҳром Эгамбердиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Комолов Алексей Сергеевич физика-математика фанлари доктори, профессор Максимов Сергей Евлантиевич физика-математика фанлари доктори Ниматов Самад Жайсанович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «8» февраль оят 1430 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2023 йил «27» январь кунлари тарқатилди.
(2023 йил «27» январь даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.Д.Ядгаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д. катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда, юқори технологияли материалларга шундай талаблар қўйилдики, бу ҳажмий хусусиятлардан фарқли ўлароқ, махсус ишчи хусусиятларига эга бўлган сирт бўлиши кераклиги долзарб илмий ва амалий вазифа ҳисобланади. Дунё миқёсида сирт муҳандислиги фан ва технологиялар соҳасида кенг қўлланилаётганлиги туфайли атом зарралари ва ионлаштирувчи нурланиш таъсирида кенг ҳудудли материаллар сиртида нуқсонлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўрганиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ушбу материалларнинг сирт хусусиятларини электрон ва ионлар билан бомбардимон қилиш асосида ўзгартириш жараёнларининг ўрганишга қаратилган тадқиқотлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда дунёда кенг ҳудудли материалларда нуқсонларнинг пайдо бўлишига қизиқиш наноэпитаксия муаммоларини ҳал қилиш, нурланишнинг кристаллар ва юпқа қатламлар сирти билан ўзаро таъсир механизмлари аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, кенг ҳудудли кристаллар сиртини паст энергияли электронлар ва ионлар билан нурлантириш натижасида пайдо бўладиган нуқсонлар сирт физикаси учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, сирт нуқсонлари ва кристалл сиртида кластерларнинг чангланиш жараёнлари ўртасидаги муносабатлар кам ўрганилган бўлиб, экспериментал ва назарий тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Шу нуқтани назардан, p-n бирикмаларини олиш жараёнида нуқсонлар муҳандислигида фойдаланиладиган сирт нуқсонларининг айрим турлари - нурланишли рағбатлантирилган диффузия, планар-эпитаксиал усул ва имплантация жараёнларида катта қизиқиш уйғотади. Яқин вақтгача микроэлектроникадаги энг заиф нуқталардан бири бу, сиртда ион имплантацияси, диффузияси ва бошқа технологик жараёнлар пайтида сиртдаги нуқсонларни эътиборсиз қолдириш ва у ҳақидаги маълумотларни етишмовчилиги эди. Охирги гапимиздаги муаммоларни ечимини топишга ва керакли хусусиятларга эга сиртни олиш учун нуқсон муҳандислигидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ушбу мавзу бўйича муҳим илмий изланишларни олиб борилмоқда, хусусан, диэлектриклар таркибидаги нуқсонларни бутун ҳажм бўйича ўрганиш бўлиб, бунда материал қайтадан аморфланади ва кристалл тузилиши ўзгаради, бундай материаллар ҳосил қилиш имконини берадиган технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Хорижлик етакчи олимлар иштирокида бир қатор халқаро анжуманларда нашр қилинган монографиялар, мақолалар ва республикада ҳар йили ўтказиб келинаётган тадбирлар ушбу йўналишда эришилган ютуқлар ва Ўзбекистон олимлари томонидан олинган натижаларни халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишидан далolat беради. Хозирги кунда кенг ҳудудли кристалларга асосланган янги микроэлектроник қурилмаларни ишлаб чиқишда фундаментал муаммога дуч келинмоқда: сиртдаги нуқсонлар p-n бирикмаларини олиш жараёнларини

рағбатлантиради ёки рағбатлантирмайди. Шу нуқтаи назардан, p-n бирикмаларини ишлаб чиқиш жараёнида нурланиш билан рағбатлантирилган диффузия, планар-эпитаксиал усул ва имплантация учун нуқсон муҳандислигида ишлатиладиган баъзи бир сирт нуқсонлари катта қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, кенг ҳудудли кристалларда сирт нуқсонларни ўрганиш замонавий материалшунослик соҳасидаги устувор ва долзарб вазифа бўлиб, у янги авлод микроэлектрон қурилмаларнинг элемент базаси учун материалларни излаш ва яратиш билан шуғулланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида бошқарувни янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармонида ва Президентимизнинг 2017¹ йил 7 февралдаги ПҚ-2772-сонли “2017-2021 йилларда электр саноатини бошқариш, жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш, ва кейинчалик такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифаларни, “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2789-сонли 2017 йил 17 февралдаги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос ҳолда амалга оширилган: II. «Физика, астрономия, энергетика и машинасозлик.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Нуқсонларнинг шаклланиши ва турли моддаларнинг сирт таҳлили соҳасидаги илмий изланишлар, шунингдек қаттиқ жисм сиртида содир бўладиган физик-кимёвий жараёнларни тадқиқ қилиш жаҳоннинг етакчи марказларда, олий ўқув юртларида олиб борилмоқда, жумладан: Санкт-петербург давлат университети, қаттиқ жисм сирти электроникаси лабораторияларида (Россия), Шанхай университети, Материалшунослик ва муҳандислик мактаби илмий лабораторияларда (Хитой), Россия Фанлар академиясининг Қаттиқ жисмлар физикаси институти ва А.Ф. Иоффе номидаги Физика ва технология институти, Яримўтказгичларда киритиш ва нуқсонларини яратиш лабораториясида (Россия), Копенгаген университети, Физика бўлими (Дания) ва АНРУз ядро тадқиқотлари институти.

Жаҳон миқёсида кенг ҳудудли кристалларда нуқсон пайдо бўлишини

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, п. 3.2.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.sciencedirect.com, www.springerlink.com, www.elsevier.com, www.scopus.com, www.nature.com, www.oxfordjournals.org, www.sciencemag.org, www.northcarolina.edu, www.umb.edu, www.osu.edu, www.stonybrook.edu, www.bw.edu www.msu.ru, ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

тадқиқ қилиш соҳасида бир қатор долзарб муаммолар ҳал қилинган ва қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: УФ нурланишининг дозиметрияси, лазер ҳосил қилишда, кенг ҳудудли гетероструктуралар ва Шоттки фотодиодлари ясашда қўлланиладиган ZnO кристалларини тайёрлаш бўйича тадқиқотлар дунёнинг кўплаб олимлари томонидан олиб бориляпти, шу жумладан: америкаликлар (Schrier, A.P. Alivisatos), рус (Ж.И. Алферов, С.В. Иванов), хитой (P. Chen, Y. Wang), ўзбекистонда (Е.М. Ибрагимова, С. Қурбонов) ва бошқа мутахассислар.

Ҳозирги кунда дунёда кенг ҳудудли кристаллар сиртидаги нуқсонларни ҳосил қилиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларни ва асбобларни ишлаб чиқиш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кенг ҳудудли кристалларнинг физик-кимёвий сирт хусусиятларини ўрганиш қуйидаги йўналишларда долзарб ҳисобланади: қаттиқ жисм сиртини тозалаш ва адсорбция қилиш жараёнлари; р-н бирикмаларини олиш учун нуқсонлар муҳандислигида ишлатиладиган баъзи турдаги нуқсонларни - нурланишли рағбатлантирилган диффузия, планар-эпитаксиал ва имплантацияли усул асосида ишлаб чиқиш ва яратиш; нуқсон пайдо бўлиши жараёнида физик-кимёвий сирт хусусиятларини аниқлаш.

Қуйидаги нуқсонлар билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар бажарилмаган: сирт ҳолати ва электрон тузилмаси, турли хил нурланишларнинг сиртдаги нуқсонларнинг шаклланишига таъсири, заряднинг сирт стохиометрияси билан боғлиқлиги, кислород концентрацияси, сиртдаги нуқсонларнинг намуналарни сиртини оксидланиш ва тозалаш жараёнларидаги физик-кимёвий аҳамияти, нуқсонларнинг нурланишли рағбатлантирилган диффузия ёрдамида р-н ўтишлар яратиш имконияти.

Бутун дунёда истиқболли соҳаларда, хусусан планар технологияларда, микроэлектроникада, оптоэлектроникада, замонавий материалшуносликда, паст ўлчовли тизимларнинг нанотехнологиясида кенг ҳудудли кристалларда нуқсон пайдо бўлишини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нуқсонларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ изланишларнинг аксарияти К. Шварц ва Ч.Б. Луцик ва А.Ч. Луциклар томонидан электронлар ва юқори (МэВ) энергияли ионларда олиб борилган. Шунинг учун, кам энергияли (субкэВ) электронлар ва ионлар билан нурлантирилганда, қаттиқ жисмлар сиртида нуқсон пайдо бўлишини экспериментал ўрганиш, нуқтавий нуқсонлар ва агрегатларининг пайдо бўлиш механизмларини тушунтириш, кейин эса уларни бирлашиб марказларга айланиши муҳим масаладир.

Маҳаллий ва чет эл тадқиқотчиларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ишларнинг катта қисми қуйма кристаллар асосида нуқсон ҳосил бўлишини ўрганишга бағишланган (Закис Ю.Р.). Бир нечта асарлар ион кристаллари юққа қатламлари нурлантирилганда нуқтавий нуқсонларнинг пайдо бўлиш шароитлари комплекс ўрганилган (Голек, Соболевски). Ҳозирда Т.Т. Басиев, Л.Н. Демянцев юққа қатламли лазерлардан муваффақиятли фойдаланиш учун агрегатли нуқсонларнинг зичлиги ва барқарорлигини 2-3 маротаба оширишни кераклигини кўрсатиб беришди. Самарадорликни бундай сезиларли даражада

орттириш учун кенг хуудли кристалларни сиртга яқин жойларида содир бўладиган энг муҳим кўзғатиш жараёнлари секин электрон ва ионлар ёрдамида амалга оширишни, ҳамда нуқтавий нуқсонлар ва уларнинг агрегатларини ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлган янги тадқиқотларни ташкил қилишни талаб қилади.

Юпқа қатламли намуналарда нуқсон пайдо бўлиши жараёнлари кам ўрганилган бўлиб, бунинг асосий сабаби яримўтказгич монокристаллар сиртида диэлектрик материалларнинг ингичка эпитаксиал қатламларини олишдаги муаммолар ва кам концентрацияли нуқтавий нуқсонларни ҳосил қилишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Юпқа диэлектрик қатламлардаги нуқсонларни аниқлаш учун сиртга сезгир бўлган усулларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Паст энергияли электронлар ва ионлар билан нурлантирилганда ион кристалларининг ўсиб бораётган қатламлари сиртида нуқсон пайдо бўлиши жараёнлари хали дастлабки ўрганиш босқичида турибди. Шунинг учун ион кристаллари қатламларида нуқтавий нуқсонлар ва уларнинг агрегатлари пайдо бўлиш шароитларини ҳар томонлама ўрганиш долзарб илмий ва амалий вазифадир.

Шу билан бирга, сиртдаги нуқсонларни шакллантириш механизмларининг кўп жиҳатлари ҳозирги кунгача номаълум бўлиб қолмоқда. Раджабов, Авмаур, томонидан аниқланган "Кулон портлаши" ёки "Нуқсонлардан келиб чиққан чанганиш" ни нима кўзғатади? деб аталган моделлар мустақил равишда ўрганилган, шунга қарамай диэлектрикларнинг потенциал чангланиш сирлари ноаниқ бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, каттик моддаларда нуқсон пайдо бўлиши ўзбекистонлик олимлар Э.М. Ибрагимова ва И. Нуритдиновлар, шунингдек Б.Г. Атабаев бошчилигидаги институтимизда лаборатория ҳам фаол ўрганилмоқда. Булар, шунингдек, электрон ва ион нурланиш пайтида кенг хуудли кристаллар сиртида нуқсонларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳалигача ҳал этилмаган қатор вазифалар, ушбу диссертациянинг асосини ташкил қилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий тадқиқот ишчи режасининг кўйидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган: Ёш олимларнинг ФЁ2-ФА-Ф102 рақамли фундаментал илмий лойиҳаси "Электрон спектроскопияси ва иккиламчи ион масс-спектрометрия методлари ёрдамида кўп компонентли кристаллар сиртини ионлар ва электронлар билан бомбардимон қилганда ҳосил бўладиган сирт нуқсонларини ва чангланишни ўрганиш" (2012-2013 йй.) ва ЁФ2-ФА-1-12507 "Рух оксид кристалларини ионлар ва электронлар билан бомбардимон қилганда ҳосил бўладиган сирт нуқсонларини ва чангланишни ўрганиш" (2016-2017 йй.) фундаментал илмий лойиҳаси, шунингдек, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган ОТ-Атех-2018-474 рақамли "Кремний пластинкаларини паст температурали ионли тозалаш ва уни электрон-спектрометрик усулда бошқариш технологияси" (2018-2020) амалий илмий тадқиқотлар лойиҳаси.

Тадқиқотнинг мақсади электрон ва ион нурланиши пайтида кенг ҳудудли кристаллар сиртида пайдо бўладиган нуқсонларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш, шунингдек уларнинг сирт ҳолатлари ва сиртда юз берадиган бошқа физикавий жараёнлар билан боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори вакуумли тўлиқ ток (ТТ) спектроскопия ускунасини модернизация қилиш;

электрон ва ионлар билан нурланиш пайтида ТТ спектроскопияси усули билан сиртда нуқсонлари шаклланишини ўрганиш методини ишлаб чиқиш;

LiF/Si(111) сиртини электронлар билан нурлантирилганда нуқсонларнинг пайдо бўлишини текшириш;

LiF/Si(111) сиртини ионлар билан нурлантирилганда нуқсонларнинг шаклланишини ва уларнинг чангланишга таъсирини ўрганиш;

электрон ва ионлар билан нурлантириш пайтида SiO_x кристаллари сиртида нуқсонлар ва уларнинг кластерларининг пайдо бўлишини ўрганиш;

SiO_x кристаллари сиртидаги нуқсонларнинг тозаланиш ва оксидланиш жараёнларига таъсирини ўрганиш;

электрон нурлантириш остида ZnO сиртида нуқсонларининг пайдо бўлиш чегараларини аниқлаш тадқиқотларини ўтказиш;

ZnO сиртида ҳосил бўлган зарядлар ва нуқсонларнинг сирт ҳолатларига таъсирини аниқлаш ва ўрганиш;

Тадқиқотнинг объектлари сифатида кенг ҳудудли литий фтор, кремний ва рух оксиди кристаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўрганилаётган намуналарнинг нуқсонли ва ўзгартирилган сиртини, шунингдек, нейтрал, мусбат ва манфий зарядланган зарраларнинг иккиламчи ион эмиссиясини олиш имконини берувчи электрон ва ион бомбардимони билан сирт ҳолатларини рағбатлантириш жараёнини ифодаладиган физикавий механизмлар, аналитик боғланишлар ва математик моделлар, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида нуқсонлари тўғрисида миқдорий маълумот олиш учун ТТ спектроскопияси усули, чангланиш жараёнларида нуқсонларнинг ролини ва сирт ҳолатини аниқлаш учун иккиламчи ион массали спектрометрия (ИИМС) усули билан қиёсий тадқиқотлар олиб борилди, шунингдек SRIM дастурий таъминоти ёрдамида жараёнларини моделлаштириш амалга оширилди. DFT, математик статистика таҳлил усуллари, хатолик даражасини аниқлаш, экспериментларни режалаштириш ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўлиқ ток спектроскопиянинг юқори вакуумли аппарати модернизация қилинди ва ZnO, SiO_x/Si(111), унда LiF кристалларини электронлар ва ионлар билан нурланиш, чангланиш, нуқсон шаклланишини, чиқиш ишини ўзгартиришини, сиртнинг ҳудудли тузилиши комплекс ўрганиш методикаси

яратилган;

биринчи марта чангланган иккиламчи кластердаги нуқсонларни масса спектрлари ёрдамида аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Ишқорий галогенид кристаллари сиртида ҳосил бўлган нуқсонлар чангланиш жараёнини рағбатлантиради ва шу билан бирга улар иккиламчи ионлар билан бирга сиртдан чангланади. Ишқорий галогенид кристалларини нурлантириш жараёнида сирт чангланиши «Defect Mediated Sputtering» механизми туфайли содир бўлиши кўрсатилди;

илк бор LiF/Si кристаллини электрон ва ионлар билан нурлантириш натижасида сиртда микроскопик галоген агрегатлари пайдо бўлиши кўрсатилган;

тўлиқ ток спектроскопияси ва SRIM усуллари ёрдамида, бирламчи ионнинг массаси ортиши билан LiF ва Si кристаллининг сиртида хажмига қараганда кўпроқ бўшлиқлар ва оралиқ нуқсонлар пайдо бўлиши аниқланган. Тадқиқот натижалари сирт нуқсонларини шаклланиш механизмларини яхшироқ тушунишга имкон берди;

тозаланган ва оксидланган кремний кристалларининг тўлиқ ток ва масс спектрлари асосида, адсорбция, десорбция ва оксидланиш каби сиртда содир бўладиган бошқа жараёнлар билан алоқаси борлиги аниқланди;

илк мартаба кремний сиртини манфий ва мусбат ионлар билан нурлантиришда сирт ҳолатини солиштирилиб тадқиқ қилинди. Мусбат ионлар билан нурлантирилганда сиртни оксидлардан тозаланиши, манфий ионлар билан нурлантирилганда намуна юзасининг кучли оксидланиши кузатилди;

тўлиқ ток спектроскопия усули билан (0,5-1,0 эВ энергия оралиғида) кремний сиртида нуқсонлар, кислородга дефицит марказлари мавжудлиги аниқланди;

илк бор рух оксиди кристаллари сиртига паст энергияли ($E=0\div 600$ эВ) электронларнинг таъсири ўрганилди: сиртдаги зарядларнинг кузатилган кинетик хусусиятлари электронлар учун тузоқ бўлган нуқсонлар билан боғлиқлиги аниқланди;

рух оксиди кристали юзасини электрон билан бомбардимон қилишда заряд ҳосил бўлиши икки қаватли зарядлаш модели асосида содир бўлиши кўрсатилган;

кенг ҳудудли кристаллар юзасида нуқсонлар шаклланиши ва парчаланишининг математик моделлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Иккиламчи кластердаги нуқсонларни масса спектрлари ёрдамида аниқлаш амалиёти, шубҳасиз, физик электроника соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, чангланиш пайтида нуқсонларни аниқлашга имкон беради.

Тоza кремний сиртини олиш имконини берадиган аввал ион билан нурлантириб, кейин 650°C ҳароратда қиздириш усули таклиф этилди;

Кислород дефицит марказлари орқали кремний сиртини оксидланиш кинетикаси намуна тайёрлашдан олдин МДП тузилмаларининг қалинлигини самарали равишда бошқариш имконини беради, бу шубҳасиз микроэлектроника соҳасида муҳим рол ўйнайди;

Маълум нуқсонлар ҳосил бўлишига олиб келадиган, таглик сиртини зарядловчи электронлардан фойдаланган ҳолда эпитаксиал қатламлар ишлаб чиқаришнинг такрорланадиган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нуқсонларни хусусиятларини тадқиқ қилишда замонавий юқори аниқликдаги замонавий асбоблар ва спектрометрик ТТ ва ИИМС усуллардан усулларнинг қўлланилганлиги; бунинг учун муаллифлик гувоҳномалари олинганлиги ва турли усуллар билан олинган тажриба натижаларининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, DFT, математикавий математик регрессия, молекуляр динамиканинг (МД) назарий натижалари; ўлчов хатоликларини таҳлил қилиш; олинган натижаларнинг умумий жисмоний тушунчалар ва мавжуд адабиёт маълумотлари билан мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу диссертация натижаларининг илмий аҳамияти бир нечта усуллардан биргаликда фойдаланиш, электронлар ва ионларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири тўғрисида тушунчани кенгайтириш, сиртда нуқсонлар ҳосил қилишнинг умумий схемасини ўз ичига олади.

Кенг ҳудудли кристаллардаги нуқсонлар ва уларнинг агрегатлари тўғрисида олинган маълумотлар материалларнинг радиацион қаршилигини аниқлаш, эпитаксиал қатламлар конденсациясини рағбатлантириш ва ўрганилаётган материал сиртининг электрон тузилишини электрон ва ион нурлари ёрдамида таҳлил қилиш учун муҳимдир. Кенг ҳудудли кристаллар учун олинган қонуниятлардан бошқа турдаги моддаларда кузатиладиган ҳодисаларни изоҳлаш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ТТ спектроскопиясининг юқори вакуумли қурилмаси модернизация қилинди, электрон нурланиш энергияси $E=1$ кэВ га оширилди, масс спектри ёрдамида иккиламчи кластердаги нуқсонларни аниқлаш ва сиртда ҳосил бўлган нуқсонларни аниқлаш муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради. Кенг ҳудудли кристаллар детектор сифатида - термолюминесцент ва термоэмиссион дозиметрларда, люминесцент нурланиш кўрсаткичларида, маълумотни ёзиб ва сақлаш воситаларида, нано, опто ва микроэлектроникада, лазер технологиясида, р-н бирикмаларини яратишда ва бошқа амалий соҳаларда қўлланилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Кенг ҳудудли кристаллар сиртида ҳосил бўлган нуқсонлар ва физикавий жараёнларни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

кремнийни 400-1000°C ҳароратда сирт оксидланиш жараёнларини ўрганишда олинган тажриба натижалари 2012-2013 йилларда бажарилган №АЕ4-ФА-0-19520 рақамли “Қайта кристаллизация усулида техникавий кремнийни тозалаш жараёнларини тадқиқ қилиш” номли амалий ва 2014-2015 йилларда бажарилган №ЁФ3-ФА-0-25046 рақамли “Қайта кристаллаштиришда киришмаларнинг чегараланган эрувчанлик ва сегрегация коэффициентига ўзаро таъсири” номли фундаментал лойиҳаларда фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2020 йил 4 октябрдаги 2/1255-

2649-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш эрувчанлик ва сегрегация коэффициентини юқори аниқликда ўлчаш имкониятларини яратган;

кремний кристаллини ионлар билан имплантация қилиш ва цинк оксиди кристали сиртидаги заряд йиғилиши билан боғлиқ экспериментал жараёнларда олинган натижалар қувват ва ёруғлик диодларини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишда қўлланилган (“ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ” уюшмасининг 2020 йил 1 августдаги 04-4/1054-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қувват ва ёруғлик диодларини ишлаб чиқиш жараёнида маҳсулот самарадорлигини ошириш имкониятларини яратган;

кремний сиртининг гибридланиш ва оксидланиш таъсирини ўрганиш жараёнида олинган экспериментал ва назарий натижалар кейинги тадқиқотларда юқори импакт факторли хорижий журналларда келтирилган металл нанозаррачалардан ташкил топган бошқа намуналарни қўлланилди (Materials 2022, V. 15, Scopus, IF – 3.78; Energy Technology 2022, V.10, Scopus, IF – 4.149; Physica B Condensed Matter 2022, V.639, Scopus, IF – 2,988). Илмий натижалардан фойдаланиш металл ва оксидли кейинги авлод термоэлектрик, фотоволтаик қуёш батареялари, оптоэлектрон қурилмаларига ракобатчи бўладиган икки ўлчовли яримўтказгичларни синтез қилиш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 халқаро ва республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусида олинган натижалар буйича 24 та илмий иш тақдим этилган бўлиб, шундан 14 та илмий мақола, шу жумладан 6 та чет эл ва 8 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг хажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, бешта боб, хулоса ва 236 та адабиётлар рўйхатидан иборат, 53 расм ва 7 жадвални ўз ичига олган 207 бетлик матнни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **"Кенг худудли кристалларда нуқсон пайдо бўлиши бўйича тажриба ва назарий ишларнинг шарҳи"** сирт-қаттиқ хажм ўртасидага физик жараёнларга нурланишнинг таъсири ҳақида асосий маълумотлар келтирилган, шунингдек қуйидагилар муҳокама қилинади: электрон ва ионлар билан таъсирлашганда ион кристалларида сиртда ҳосил бўладиган нуқсонлар; кенг худудли оксид материалларнинг сирт нуқсонлари; рух оксиди кристаллидаги сирт нуқсонлари. Адабиётлар шарҳи асосида, кенг худудли кристаллар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ноёб физик хусусиятларга эга деган хулосага келинган. Бу кенг худудли кристалл сирт нуқсонларини ўрганиш долзарб муаммо эканлигини асосланган.

Иккинчи бобида **"Ўлчов методикаси ва тажриба ускуналари"** асбоблар, ТТ спектроскопия усули, SRIM ва тажриба тадқиқот усуллари ва ишлатилган намуналар тавсифланади.

Синовларда сапфир (Al_2O_3) тагликларига лазер ёрдамида ўстирилган тоза ZnO поликристаллари ва монокристаллари, шунингдек литий фторид ва кремний оксиди кристаллари ишлатилган. Ушбу кристалларнинг танланиши тасодифий эмас: уларнинг барчаси кенг худудли бўшлиққа эга ва бир-бирларига нисбатан ионли, ионли-ковалент боғланишлар билан ажралиб туради, бу бизнинг тадқиқотимиз шароитида сиртда нуқсон пайдо бўлишини ўрганишимизга имкон беради. Ўрганилган намуналарнинг қалинлиги ~ 1 мм, кўндаланг ўлчамлари $\sim 1 \times 1$ см ва кристаллографик ўлчови (111) бўлган текис тагликлардан иборат.

Электронлар ва ионлар таъсири остида кенг худудли кристалларнинг сиртида нуқсон ҳосил бўлишини ўрганиш учун юқори-вакуумли ТТ спектроскопияси методидан фойдаланилган.

Модернизация қилинган ва янги услублар асосида ишлаб чиқилган ТТ спектроскопияси тажрибаларни 1 нА ток кучи ва 0-1000 эВ энергияга эга бўлган электронлар билан нурлантиришдан сўнг намуналар сиртида нуқсонларни қайд этиш ва ўрганиш имконини беради.

Чангланиш жараёнида нуқсонларнинг ўрнини аниқлаш учун молекуляр динамика усули - SRIM дастури ёрдамида баъзи тажрибалар ўтказилди.


Учинчи боб, **"LiF кристалларини электронлар ва ионлар билан нурланиш натижасида ҳосил бўладиган нуқсонлар ва кластерларнинг**

шаклланиши" деб аталган бўлиб, турли хил усулларни қўллаган ҳолда электронлар ва ионлар билан нурланиш пайтида LiF кристаллари сиртида нуқсонлар ва кластерларнинг шаклланишини тажриба ва назарий асосида ўрганилган натижаларга бағишланган.

LiF таглигини энергияси 100-800 эВ ва дозаси 10^{14} эл/см² гача бўлган электронлар билан нурлантириш пайтида ТТ спектрларининг дозага ва энергияга боғлиқлик натижалари олинган.

Энергияси 100 эВ ва дозаси 10^{14} эл/см² бўлган электронлар билан нурлантириш спектр фонида коллоид ва фтор ўз ичига олган агрегатларнинг кенг чўққиларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, LiF сиртини электрон нурлантиришнинг энергияга боғлиқлигини таққосланда кузатилган жараёнларнинг СФ-46 спектрофотометрида бажарилган иш билан ўхшашлиги ва мослиги аниқланди. LiF сиртини ТТ спектри чўққиларининг энергия билан боғлиқлиги (1-расм) шуни кўрсатдики, 600 эВ электрон энергиясида кластер ва агрегатларнинг жадал шаклланиши бошланади.

Кўрганингиздек, электрон энергиясининг ошиши билан коллоидларнинг баландлиги (100 дан ортиқ литий атомлари, 2,7 эВ) пасаяди, аммо йўқолмайди. Ва кичик ўлчамдаги литий кластерлари (2,0 ва 1,2 эВ) ҳосил бўлади ва уларнинг эса баландлиги ошади. Бу ҳолат V -марказлари учун ҳам такрорланади (1-расм). Шундай қилиб сирт, энергияси 600 эВ бўлган электронлар билан нурланганда, кристалл сиртида чангланиш бошланади. Сиртда коллоидларнинг ороллари ва ҳар хил ўлчамдаги фторли агрегатлар ҳосил бўлади.




1-расм. LiF ТТ спектри чўққиларининг энергияга (100-1000 эВ) боғлиқлиги

LiF таглигини энергияси 1,0 кэВ бўлган Cs⁺ ва Cl⁻ ион нурлантиришида ТТ спектрларининг дозага боғлиқлик натижалари келтирилган. Олинган

спектрлар орасидаги фарқ кўрсатилди: Cl^- ионлари билан нурланганда сиртда заряд ҳосил бўлмайди ва HCl чўққиси H_{Cs} чўққисидан деярли уч баравар юқори. Такрорий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аслида хлор билан нурлантиришда HCl чўққисининг баландлиги H_{Cs} чўққисига нисбатан фон спектрига қараганда деярли уч баравар юқори. Ушбу тажрибада фақат ион массаси ва зарядларнинг кутуби ўзгарган, шуни кўриш мумкинки, кутуб чўққи баландлигига таъсир қилмайди. Бундай катта фарқ фақат бомбардимончи ионнинг массасига боғлиқлиги аниқланди.

Шунингдек бу бобда, мусбат Cs^+ ва Cl^- ионлари билан LiF кристаллини бомбардимон қилиш пайтида чангланган иккиламчи мусбат ва манфий ионлари чиқиши тўғрисида маълумотлар берилган. LiF кристаллини Cs^+ ва Cl^- ионлар билан нурлантириш тадқиқотлари натижаларига кўра, агар анион комплекслар бомбардимон пайтида панжара ичида фтор F_2 , F_3 , F_4 ионлари пайдо бўлса, мусбат фтор ионлари кўринишида қайд қилинган оралик нуқсонлар мавжуд деган хулосага келинади. Агар коллоид марказлар ҳосил бўлса, унда чангланиш пайтида Li_2 , Li_3 , Li_4 туридаги мусбат ёки манфий ионлар қайд этилиши керак бўлади. Иккиламчи мусбат кластерларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бешта кластернинг учтасида, бомбардимончи ион энергиясини бериши натижасида, кристалл сиртида ҳосил бўлган нуқсонлар чангаланган кластерларнинг хажмида мавжуд (2.а-расм).



2-расм. LiF кристаллининг ионли бомбардимони пайтида сиртдан чиқадиган иккиламчи кластерлардаги нуқсонларнинг тузилиши ва мувозанат йўналиши (а - мусбат, б - манфий кластерлар)


Аниқланишича, ҳар бешта манфий зарядланган кластерларнинг ҳар тўртида ион кристаллини бомбардимон қилиш натижасида ҳосил бўлган бириктирилган сирт нуқсонлари мавжуд. Бошқа барча ҳолатларда иккиламчи манфий кластерлар оралик, коллоид ва V марказлари томонидан ҳосил бўлади. Шундай қилиб, LiF ионли кристаллидан чангланган зарядли иккиламчи маҳсулотларининг асосий қисми нуқсонлардан иборат бўлиши мумкин.

ТТ спектрлари маълумотларини текшириш ва таққослаш учун SRIM

дастурида LiF сиртида бўш жойлар, киритилган ва оралиқ нуқсонларни ўрганиш амалга оширилди. LiF сиртида бўш жойларни шакллантириш, критилган ва оралиқ нуқсонларни ўрганиш хар хил массали бомбардимончи ионлар билан амалга оширилди. Аниқланишича, бирламчи ион массасининг камайиши билан киришма нуқсонларнинг сони сиртда ортади, аммо кристаллнинг хажмига нисбатан 100 А атрофида тақсимланади. Сиртга йиғилган киришма сезий ионлари умуман кузатилмайди. Шундай қилиб, ион қанча катта бўлса, у шунчалик чуқурроқ кристалл хажмига киради. Шу сабабли ионларнинг асосий қисми сиртда кузатилмайди, улар кристаллнинг хажмига жойлашади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бирламчи ионнинг массаси (мос равишда ион хажми) кўпайиши билан кристаллнинг хажмига қараганда сиртда кўпроқ бўшлиқлар ва оралиқ нуқсонлар хосил бўлади. Кичик массага эга бўлган ионлар учун киришма нуқсонларнинг сиртдаги тақсимоти кристаллнинг хажмига қараганда кўпроқ бўлади.

ТТ спектрларидан кўриниб турибдики, нурланишнинг юқори доза ва энергияларида литий фтор кристали юзасида коллоид марказлари билан бир қаторда нейтрал фтор атомлари тўпланиб боради. 3,6 эВ энергиясида аниқланган чўққилар - бу нейтрал фтор атомларининг сиртда тўпланишидир ва улар V-марказлари деб ҳам аталади.

3-расмда 3,6 эВ энергиясида V-марказларининг чўққиларининг нисбий интенсивлигининг дозага ва ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган.



3-расм. 3,6эВ энергиядаги V-марказлари чўққиларининг нисбий интенсивлигининг дозага ва ҳароратга боғлиқлиги

Расмдан кўриниб турибдики, V-марказларининг нисбатан юқори концентрациясини электронларга қараганда, ионлар билан нурлатиш натижасида хосил қилиш мумкин. Дозага боғлиқлик шуни кўрсатадики, барча ҳолатларда V-марказлари кристал юзасида 10^{14} заряд/см² дозада кузатилади, дозаси ошиб бориши билан нейтрал фтор атомларининг тўпланиши кузатилади ва бу уларнинг концентрациясининг ошишига олиб келади.

Адабиётдан билганимиздек, Н-марказининг якуний маҳсулоти нейтрал фтор ва сиртдаги бўш жойлардир. Улар барқарор ва ҳаракатчан. V-марказларини 100°C ҳароратда қиздириш уларнинг сиртдаги концентрациянинг ошишига олиб келади, бу эса бундай марказларнинг хажмдан сиртга чиқишини, шунингдек V-марказларининг ҳаракатчанлигини ошишини кўрсатади. Расмдан кўришиб турибдики, V-марказларининг ҳароратни 200°C дан юқори даражага кўтарилиши уларнинг сиртдаги концентрациясининг пасайишига олиб келади, бу эса сиртдан десорбцияни англатади. 400-500°C дан юқори ҳарорат фторнинг тўлиқ десорбцияланишига олиб келади.


Тўртинчи боб “**Si(111) ва SiO_x кристаллари сиртини электронлар ва ионлар билан чанглантирилганда нуқсонлар ва кластерларнинг ҳосил бўлиши**” деб аталган бўлиб, Si(111) ва SiO_x кристаллари электрон ва ионлар билан нурлантирилганда сиртда нуқсонлар ва кластерларнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилишнинг тажрибавий ва назарий натижалари муҳокама қилинади.

Si(111) ва SiO_x кристалларини электронлар ва ионлар билан нурлантириш пайтида сиртидан олинган ТТ спектрлари натижалари келтирилган. Бунда кремний сиртини тозалаш ва оксидланиш жараёнида сирт ҳолатларининг, бўшлиқларнинг, оралиқ ва киришма нуқсонларининг роли ва таъсири ўрганилган. Хона ҳароратида газ адсорбцияси жараёнида Si(111) намунасининг ТТ спектрлари ва чиқиш иши қийматларининг натижалари олинган.

4-расм пастки қисмида кремнийни 2,5 кВ энергияли манфий хлор ва мусбат цезий ионлари билан нурлантириб олинган ТТ спектрлари кўрсатилган. 4-расмдаги 1-спектр, 7×7 тузилишга эга бўлган тоза кремнийнинг ТТ спектрига мос келади. 2-эгри чизик кремний сиртини 2,5 кВ энергия ва 10¹³ ион/см² дозага тенг мусбат цезий ионлари билан бомбардимон қилинган ТТ спектрига мос келади.

Спектрдан кўришиб турибдики, бирламчи чўққи паст энергиялар томон силжийди, бу сиртнинг чиқиш ишининг пасайишини англатади, шу билан спектрнинг дифракция компонентининг баландлиги пасаяди (спектрнинг ўнг томони 30-40 эВ оралиғи). Дозанинг 10¹⁴ ион/см² га ошиши билан спектрнинг паст энергия томонида (эгрилик 3) 1,0 (H_{Cs}) ва 5.0 эВ энергияларида чўққилар пайдо бўлади. Шунингдек, кремнийнинг худудлараро ҳолатини кўрсатадиган 7.0 ва 10.0 эВ энергиясидаги чўққилар йўқолади. Дозанинг 10¹⁵ ион/см² га ошиши билан (эгрилик 4) 1,0 эВ энергиядаги (H_{Cs}) чўққисининг интенсивлиги ошади ва тоза кремнийга хос ТТ спектри йўқолади, бу эса сиртнинг чангланаётганини кўрсатади. 1,0 эВ чўққи цезийнинг сиртга киритилган киришма нуқсонларига тўғри келиши мумкин, чунки чўққининг энергия даражаси кремнийнинг тақиқланган худудида жойлашган. Дозани янада ошириши фақатгина ушбу чўққининг ошишига олиб келади, қолган спектрнинг тузилиши ўзгармайди. 100, 200°C ҳароратда қиздириш (5 ва 6-эгриликлар) 1,0 эВ энергиядаги энг юқори чўққининг ўсишига олиб келади, бу эса сиртнинг кристалл тузилишини бузилаётганини тасдиқлайди. Бундай ҳароратларда ҳосил бўлган нуқсонлар хажмдан сиртга тарқалади. 200°C

хароратда сиртнинг чиқиш иши энг кам даражага эришганлиги кузатилади, бу кремний сиртида доимий цезий қатлам ҳосил бўлишини кўрсатади. Шунингдек, 4-расмда кремнийни 2,5 кэВ энергияли манфий хлор ионлари билан нурлантириш пайтида олинган ТТ спектрлари кўрсатилган. 4-расм, 1-эгрилик 7x7 тузилишга эга бўлган тоза кремнийнинг ТТ спектрига мос келади. 2-эгрилик энергияси 2,5 кэВ ва дозаси 10^{13} ион/см² бўлган хлор ионлари билан нурлангандан кейинги кремний сиртининг ТТ спектрига тўғри келади.



4-расм. Кремнийни (Cs ва Cl) ионлар билан бомбардимон қилиш ва кейинги қиздириш ТТ спектрлари

10^{13} ион/см² дозада хлор билан нурлантириш спектридан кўриниб турибдики, бу кремний сиртини қайтариб бўлмайдиган аморфизациясига олиб келади (30-40 эВ ТТ спектрининг диффракция компонентаси йўқолди). 0,8 эВ энергияда чўққи пайдо бўлади. Бирламчи чўққининг иккига ажралиши ва унинг паст энергияга томонга эмас, балки юқори энергия томон силжиши кузатилмоқда, бу кремний сиртининг чиқиш ишининг ўсишини кўрсатади. α ва β кенг чўққилар ҳосил бўлади. 0,8 эВ энергия атрофидаги чўққи кремний сиртида (H_{Cl}) киритилган хлор (киришма) нуксонларига тўғри келади. Бу чўққининг 10^{14} ион/см² дозада янада ошишига, (3 эгри чизик) олиб келади ва ТТ спектридаги, α ва β чўққиларининг интенсивлиги ҳам ошади. 10^{15} ион/см² дозада нурлантириш H_{Cl} , α ва β нинг баландлиги ортишига олиб келади (4-эгрилик).

100°C хароратда қиздирилганда H_{Cl} нинг энг юқори баландлиги дарҳол икки баравар кўпаяди. Бу намуна сиртида оралик хлор атомларининг чиқишидан далолат беради, шунингдек, α ва β чўққилари баландлигининг

пасайиши ва уларнинг паст энергиялар томон силжиши сирт ҳолатларининг эгилишини кўрсатади. Шунингдек, 11,0 эВ энергиясида γ чўққиси ҳосил бўлади. Қиздириш ҳароратининг 100-400°C га кўтарилиши, α , β ва γ чўққиларнинг баландлигини ошишига олиб келади. 0,8 эВ энергиядаги чўққи, яъни киришма нуқсонлар тўлиқ куйиб битади (5, 6, 7, 8 эгри чизиклари). Кўриниб турибдики, манфий хлор ионлари билан нурлатилганда, кремний сирти оксидланади, сезий ионлари билан бўлса, кремний сирти тозаланади. Иккала ҳолатда ҳам қиздириш кузатилган таъсирни кучайтиради. Турли хил ионлар билан нурлантириш остида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сирт ҳолатининг тузилиши нафақат дозага, энергияга, ҳароратга, балки бирламчи ионнинг зарядининг массаси ва қийматига ҳам боғлиқ.

Бу бобда ТТ спектрларининг бирламчи сезий ионларининг энергиясига боғлиқлиги ўрганилган ва Si(111) кристалларини ионлар билан чангланишида нуқсонлар ва кластерлар ҳосил бўлиши натижалари келтирилган. Қуйидагилар аниқланган: бирламчи ионлар энергиясининг ортиши билан сиртдаги бўш жойлар ва киришма нуқсонларнинг сони ортади, бу эса сирт бузилишига ва спектрдаги чўққиларнинг пасайишига олиб келади; қиздиргандан сўнг, нуқсонларни ҳажмдан намунанинг сиртига кўчириш бошланади, бу эса сиртнинг текисланишига ва чиқиш ишининг пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, бирламчи ионлар энергиясининг ортиши билан кластер ионлари чиқишининг ўсиши, сиртда бўш жойлар ва киришма нуқсонлар сони сезиларли даражада ошиши ва кристалл панжарада жойлашган атомлар оралик нуқсонга айланишади ёки бошқа атомлар яқинидаги бўш жойларни пайдо бўлишига олиб келади, бу эса кластер ҳосил бўлиш жараёнига ҳисса қўшади.

ВИМС ва ТТ спектроскопияси маълумотларини текшириш ва таққослаш учун SRIM дастурида молекуляр динамика усулидан фойдаланиб, кўшимча тадқиқотлар ўтказилди. Кремний сиртида бўш ўринларнинг шаклланиши, оралик ва киришма нуқсонлар пайдо бўлишининг бомбардимончи ионнинг массасига боғлиқлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказилди. Катта массали ионлар, кристаллнинг ҳажмига қараганда сиртда нуқсонларни кўпроқ ҳосил қилади, улар сиртнинг қирилишига таъсир қилади. Кичик массали ионлар билан бомбардимон қилинганда, бўшлиқларнинг зичлиги ва сиртдаги оралик нуқсонлар одатда кам бўлади. Шунинг учун, паст энергияли ионлар билан сиртни бомбардимон қилишда кичкина сонли кластер ионлари кузатилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бирламчи ионнинг массаси (ионнинг ўлчамлари) ошиши билан кристаллнинг сиртида ҳажмига нисбатан кўпроқ бўшлиқлар ва оралик нуқсонлар пайдо бўлади. Энг кичик массага эга бўлган ионлар учун киришма нуқсонларнинг тақсимланиши кристаллнинг ҳажмига қараганда сиртда кўпроқ.


Бир вақтнинг ўзида кремний сиртидан ТТ ва ИИМС спектрлари ҳам ёзиб борилган. Агар ИИМС ва ТТ спектрларини диққат билан таққосласак, 600°C дан кейин қиздириш, сиртда иккиламчи углерод ионларининг кўпайиши бошланади. Кремний кристалларининг тозаланмаган, оксидланган ва тоза сиртларининг ТТ ва иккиламчи ион масс спектрлари билан таққосланганда,

600°C дан юқори қиздиришда киришма углерод атомларининг ҳажмдан сиртга чиқиши аниқланди, ва паст ҳароратларда углерод сиртда жуда ҳам паст зичликда кузатилади. Бундан келиб чиқадики, кремний сиртини 600°C дан паст ҳароратларда углероддан тозалаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, кремний кристаллини 1000°C ҳароратгача қиздириш сиртни углерод, кислород ва унинг бирикмаларидан тозаланишига олиб келмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар сафар тажриба ўтказишдан олдин ҳар сафар кремнийни юзасини ион нурлантириш ва қиздириш орқали оксиддан тозаланган ва 7x7 тузилишга эга бўлган ТТ спектрини олинган. Олдинроқ айтиб ўтилганидек, ТТ спектрининг паст энергия томонида, 0,5-1,0 эВ энергиялар оралиғида бўлган баланд чўққи пайдо бўлади. Таглик ҳарорати 100°C дан хона ҳароратигача пастга тушганда, унинг зичлиги кўтарилди бошлайди. Бундан ташқари, чўққининг баландлиги оксидланиш ва ҳароратга тескари пропорционал бўлиб, бу унга сирт хусусиятларини беради.

Бу чўққи икки йўналтирилган бўшлиқдан иборат кремнийнинг элементар панжарасини, яъни кремний сиртидаги кислороднинг бўшлиқларини кўрсатади. Шундай қилиб, кремний сиртида бўшлиқ (кислород етишмайдиган марказ) борлиги аниқланди ёки уни НВОНС марказ деб ҳам аташади. Кислород кремний сиртига адсорбцияланганида, бу марказларнинг баландлиги сезиларли даражада пасаяди.

Кремнийнинг ТТ спектридаги 0,5 эВ чўққисини ўрганиш бизга қуйидаги ҳарорат ва кинетика боғлиқликни олишга имкон берди (5-расм). Si (111) 7x7 тузилишга эга тоза кремний олиш учун кремний сиртини цезий ионлари билан нурлантиргандан сўнг, 700°C ҳароратда қиздирилади. ТТ спектрини олгандан сўнг, барқарорлашув амалга оширилади ёки, бошқача қилиб айтганда, ҳар хил ҳароратда бир соат давомида пассивация қилинди. Кейин ТТ спектри яна қайд этилади ва 0,5 эВ чўққининг интенсивлиги кузатилади. Кейин, ҳеч қандай ҳаракатларсиз, тоза кремний спектри кузатилди. Биз қуйидаги маълумотларни олдик:



5-расм. Кремнийнинг ТТ спектридаги 0,5 эВ чўққисини ҳарорат ва кинетикага боғлиқлиги

Сирт пассивацияси 700°C ҳароратда ўтказилди. 15 дақиқа давомида, тоза кремний сиртининг ТТ спектри ўзгармади. Кейин сирт 600°C ҳароратда

пассивация қилинди. Бунда тоза кремний сиртининг спектри 25 дақиқа давомида ўзгармади. Кейин сирт 500°C ҳароратда пассивация қилинди. Бундай ҳолда, кремний юзаси бир соат давомида тоза ҳолатини сақлаб қолди. Тоза кремний юзасида 500°C дан паст ҳароратларда қолдиқ газларнинг 10 дақиқага ичида адсорбцияланиши кузатилди.

Шундай қилиб, ТТ спектрида аниқланган 0,5 эВ чўққиси ҳақиқатан ҳам кремний кристалли юзасида жойлашган нуқсонларга тегишли. Кўринишидан, унинг кремний юзасида концентрацияси газнинг адсорбция тезлигига таъсир қилади. Кремний юзасидаги нуқсонлар вакуумда қолдиқ газ атомлари билан кимёвий реакция учун шароит яратади. Бундай нуқсонларнинг хусусиятларини кўпроқ аниқлаш учун яримўтказгич-оксид интерфейсида кўшимча тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади.

Бешинчи боб **“ZnO кристаллари сиртини электронлар билан нурлантирилганда нуқсонлар ва кластерларнинг ҳосил бўлиши”** деб аталган бўлиб, ZnO кристалларини электрон билан нурлантирилганда сиртда нуқсонларнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилишнинг тажрибавий натижалари муҳокама қилинади.

Рух оксиди поли ва монокристалларининг ТТ спектрларида (6,а-расм) 3,5 эВ энергия оралиғида чўққиларнинг (γ -чўққиси) пайдо бўлиши ZnO нинг валентлик электронларини ўтказувчанлик ҳудудига ўтиши билан боғлиқ бўлган оралиқ бўшлиқни кўрсатади. ZnO поликристаллида 1,8-2,0 эВ энергиядаги кенг чўққилар (β -чўққиси) намунанинг сиртида оралиқ кислород атомларининг тўпланиши аниқланган.


Икки кристалли ТТ спектрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, поликристаллда электронларнинг сочилиши туфайли чўққиларнинг баландлиги жуда заифлашади. Монокристалл ZnO нинг ТТ спектридаги 8 эВ энергиядаги чўққиси (δ -чўққиси) ZnO нинг (0001) қутб йўналишига эгалигини ва сирт чегараси кислород атомлари билан якунланишини кўрсатади.

ZnO поликристаллининг ТТ спектрида 1,8-2,0 эВ энергия оралиғидаги кенг чўққилар намуна сиртида кислород бўшлиқлари нуқсонларининг тўпланишини кўрсатади. Монокристалл намунасининг ТТ спектрида бу нуқсонларнинг тор чўққиси кузатилади, яъни бу нуқсонларининг камлигини кўрсатади.

